

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАНОВА ВАЗИРА НОРҚУЛОВНА**

***BOMBUX MORI* СУЛЬФАТЛАНГАН ХИТОЗАННИНГ СИНТЕЗИ,  
СТРУКТУРАСИ ВА ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical  
sciences**

**Рахманова Вазира Норкуловна**

*Bombyx mori* сульфатланган хитозанининг синтези,  
структураси ва хоссалари.....3

**Рахманова Вазира Норкуловна**

Синтез, структура и свойства сульфатированного  
хитозана *Bombyx mori*.....21

**Rakhmanova Vazira Norkulovna**

Synthesis, structure and properties of  
sulfated chitosan *Bombyx mori*.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАНОВА ВАЗИРА НОРҚУЛОВНА**

***ВОМБУХ МОРИ* СУЛЬФАТЛАНГАН ХИТОЗАНИНИНГ СИНТЕЗИ,  
СТРУКТУРАСИ ВА ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Кимё фахлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/K340 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтига (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Рашидова Сайёра Шарафовна кимё фахлари доктори, профессор, академик
Расмий оponentлар:	Ихтирова Гулнора Акмаевна кимё фахлари доктори, профессор Юнусов Хайдар Эргашович техника фахлари доктори, катта илмий ходим
Ётақчи ташкилот:	Биоорганик кимё институти


Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» ноябрь соат 19:00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7<sup>н</sup>. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).


Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7<sup>н</sup>. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» ноябрь кунин тарқатилди.  
(2021 йил «12» ноябрь даги 11 рақамли реестр баённомаси).



  
Н.Р. Ашуров  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

  
М.М. Усминова  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, к.ф.и., катта илмий ходим

  
А.А. Сарымсаков  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қотидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сувда эрувчан, тиббий-биологик (антибактериал, антикоагулянт, иммунологик бошқ.) хоссаларга эга бўлган табиий полимерлар ва уларнинг ҳосилалари асосида олинган препаратларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ушбу йўналишда хитозан ва унинг ҳосилалари, жумладан, сульфат хитозан асосида антибактериал ва антикоагулянт хусусиятларга эга бўлган янги авлод дори воситаларини яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда хитозаннинг молекуляр ва структуравий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, турли хил омилларни бошқариш орқали модификацияланган ҳосилаларини синтез қилишга бағишланган фундаментал илмий тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Бу борада хитозаннинг сульфатланган сувда эрувчан ҳосилаларини синтез қилиш ва уларнинг структуравий, физик- кимёвий ва биологик хоссаларини ўрганиш, ҳамда улар асосида комплекс таъсир қилувчи антимиқроб ва иммуннофаол хоссалар мажмуига эга бўлган дори воситаларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда маҳаллий табиий хом ашё асосида янги дори воситаларини яратиш бўйича, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, бунда тиббиёт тармоғида қўлланиладиган дори воситаларининг янги полимер препаратив шакллари яратишда муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> ва 2030 йилгача фанни ривожлантириш концепциясида<sup>2</sup> «...фармацевтика соҳасида ишлаб чиқаришни ошириш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада *Bombux mori* хитозан сульфатини синтез қилиш шароитларини тадқиқ қилиш, унинг тузилиши ва хоссаларини аниқлаш ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар ўтқазилмоқда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «ЎзР ФА фаолиятини такомиллаштириш, илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштириш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифати ва фан самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар билан

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-4947-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони.

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Медицина ва фармакология» ва VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг кўпгина мамлакатларида хитозан ва унинг ҳосилаларини ўрганиш ҳамда уларни қўллаш бўйича илмий изланишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Краб хитинидан олинган сульфатланган хитозанни олиш усулларини ўрганиш бўйича илмий йўналишни ривожлантиришга Z.Wang, P. Chandika, S. El-Saharty, B. Focher, Sh. Hirano, R. Holme, E. M. Zhang, N. Subhapradha, R. Pires, S. Kosabay ва бир қатор илмий мактаблар томонидан катта ҳисса қўшилган, жумладан, МДХ давлатларидан А.И. Гамзаде, Л.А. Вихорева, Л.А. Нудьга, К.Э. Будовская, П.П. Столбушкина каби ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Республикамизда мазкур йўналиш ривожига академик С.Ш. Рашидова ва унинг шогирдлари ўз изланишлари билан хитозан ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш, тузилиш ва хоссаларини аниқлаш ҳамда амалиётга жорий қилиш орқали ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ушбу изланишларга қадар сульфатланган *Bombyx mori* хитозанини синтез қилиш ва реакция жараёнининг кинетик қонуниятини ўрганиш борасида тадқиқотлар етарлича ўрганилмаган. Мазкур йўналишдаги фундаментал изланишларни амалга ошириш юқори биологик фаолликка эга бўлган хитозан ҳосилалари асосидаги экологик хавфсиз полимер препаратларни яратиш истиқболларини юзага келтиради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 3Ф-1 «Полимер тизимларда нанозаррачалар ва наноструктураларни шакллантиришнинг илмий асослари» (2003-2007 йй.); ФА-Ф-3-Т 100 «Полимерларда наноструктуралар, яратиш йўллари ва материалларнинг махсус хоссаларида намоён бўлиш қонуниятлари» (2007-2011 йй.); ФА-А-14-Т-043 «Полисахаридлар асосида янги маҳаллий наноструктураларни препаратларни ишлаб чиқиш ва улардан турли этиологияли касалликларни даволашда фойдаланиш» (2009-2011 йй.); ОТ-Ф7-01 «Нанополимер тизимлар: махсус хоссали материалларни яратишда кинетик жиҳатлар ва электрон тузилишнинг роли» (2016-2020 йй) фундаментал ва амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Bombyx mori* сульфатланган хитозанини синтез қилиш йўллари аниқлаш, молекуляр массавий, структуравий хусусиятларини ва хоссаларини тадқиқ қилиш ҳамда тиббий-биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли хил сульфатловчи агентлар иштирокида *Bombyx mori* хитозан сульфатини синтез қилиш;

сульфатлаш реакциясининг кинетикасини тадқиқ қилиш ва хитозан сульфат синтезининг мақбул шароитларини аниқлаш;

хитозан сульфатнинг молекуляр массавий ва конформацион тавсифлари ва эритмалардаги барқарорлигини тадқиқ қилиш;

хитозан сульфатнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

хитозан сульфатнинг электрон тузилишини ўрганиш ва моделлаштириш;

*Bombyx mori* хитозан сульфатининг гиперхолестеримияга қарши тиббий-биологик хоссаларини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** *Bombyx mori* хитозани, хлорсульфон кислотаси, хитозан сульфат ва у асосида олинган биологик фаол дори воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** *Bombyx mori* хитозанини сульфатлашнинг қонуниятларини ўрганиш, молекуляр массавий хусусиятларини аниқлаш, хитозан сульфат ҳосил бўлиш реакцияси кинетикаси, физик-кимёвий хоссалари ва тиббий-биологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда элемент-анализи, УВ- ва ИҚ-Фурье спектроскопияси, рентген-структуравий таҳлил, ёруғликнинг динамик тарқалиши усули, сорбцион таҳлил, кондуктометриқ титрлаш, вискозиметрия, физик-кимёвий ва квант-кимёвий назарий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор сульфатловчи агент сифатида хлорсульфон кислотасидан фойдаланган ҳолда *Bombyx mori* сульфатланган хитозани олинган;

хитозанни сульфатлаш реакциясининг кинетик қонуниятлари ва маълум молекуляр тузилишга ҳамда функционал гуруҳларнинг алмашилиш даражасига эга бўлган хитозан сульфат олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

сульфатланган хитозаннинг молекуляр-массавий хусусиятлари, полидисперслик қийматлари, конформацион хоссалари ва Кун сегментининг узунлиги аниқланган;

*Bombyx mori* хитозан сульфати асосида кам захарлилик, гиполипидемик, антикоагулянтлик ва бошқа хусусиятларга эга бўлган "Сульфопарин" дори воситаси яратилган ва атеросклероз фармокотерапиясида юқори самарадорлиги кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*Bombyx mori* хитозан сульфати синтезининг мақбул шароитлари аниқланган, ишлаб чиқаришнинг лаборатория регламенти ишлаб чиқилган ҳамда тиббий-биологик хоссалари исботланган.

*Bombyx mori* хитозан сульфати гиполипидемик воситалар сифатида, атеросклерознинг фармокотерапиясида ва антикоагулянт сифатида

гиперхолестеринемияда, шунингдек иммунологик ва гематологик препаратлар сифатида тадқиқ қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Хитозан сульфат синтези ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибалар натижалари замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида олинди. Тадқиқот бўйича хулосалар кимёвий жараёнлар ва кинетиканинг замонавий назарияларида қўлланиладиган тенгламалардан фойдаланган ҳолда олинган натижалар асосида қабул қилинди. Олинган натижалар республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Bombyx mori* хитозанини сульфатлаш реакциясининг кинетик қонуниятлари ўрнатилганлигидир. Маълум алмашиниш даражаси ва занжир тузилишига эга бўлган хитозан сульфатини синтез қилишда реакция механизмлари асослаб берилган ҳолда *Bombyx mori* хитозан сульфатининг молекуляр массавий тақсимланиши, полидисперслиги ва конформацион тавсифлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Bombyx mori* хитозан сульфатининг аниқланган тиббий-биологик хусусиятлари гиполипидемик восита сифатида, атеросклерознинг фармакотерапиясида ва гиперхолестеринемияда қўлланилган ва кам токсик антикоагулянт "Сульфопарин" дори воситаси ёрдамида гиперхолестеринемиянинг олдини олиш ва атеросклерозни даволашда самарали натижаларга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «*Bombyx mori* сульфатланган хитозанининг синтези, тузилиши ва хусусиятлари» бўйича олинган диссертация ишида келтирилган илмий натижалар асосида:

*Bombyx mori* хитозан сульфатининг намуналари гиполепидемик хоссаларига эга бўлган АДСС-28.8 рақамли “Куйиш яраларини даволашда хитозан ҳосилаларидан фойдаланишнинг мақбул усулини ишлаб чиқиш ва танлаш” мавзусидаги амалий лойиҳасида атерогенез ҳавфини, қондаги холестерин ва липидлар миқдорини камайтирувчи хусусиятларига эга бўлган дори воситасини яратишда фойдаланилган (Тошкент тиббиёт академиясининг 2021 йил 9 октябрдаги №03/3093-сон маълумотномаси). Натижада атеросклерознинг фармакотерапияси ва гиперхолестеринемияда антикоагулянт сифатида қўлланиладиган иммунологик ва гематологик хоссага эга бўлган “Сульфопарин” янги дори воситасини яратиш имконини берган;

мазкур тадқиқот бўйича чоп этилган *Bombyx mori* хитозан сульфати синтези, тузилиш таҳлили, реакция механизми ва хоссаларига оид тадқиқот натижаларидан юқори импакт факторли (IF) 3 та хорижий илмий журналларда фойдаланилган ва ҳаволалар берилган (Polymers, 2018, V.10, Scopus , IF=4.493; Carbohydrate Polymers, 2013, V.91, Elsevier, IF=9.381; Advanced Functional Materials, 2021, V.31, Wiley, IF=18.808). Натижада қисқичбақасимонлардан олинган хитозан асосида сульфатланган хитозан синтезини амалга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари белгиланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг "**Хитозаннинг сульфатланиши ва унинг биологик фаоллиги**" (адабиётлар шарҳи) номли биринчи бобида турли хил хом ашё манбаларидан хитозан сульфат синтезининг замонавий талқини келтирилган бўлиб, *Bombux mori* хитозанини сульфатлашнинг истиқболлари асосланган ва ушбу реакцияни амалга оширишнинг мақбул шароитлари танланган. Хитозан сульфатнинг молекуляр тузилиши ва махсус хусусиятларининг ўзига хослиги ва унинг амалиётда қўлланилишидаги, хусусан, тиббий-биологик жиҳатдан самарадорлиги муҳокама қилинган. Тадқиқот вазифалари шакллантирилган ва асосланган.

Диссертациянинг «**Объектлар ва тадқиқ этиш методлари**» номли иккинчи боби тадқиқот объектлари ва реагентлар тавсифлари ҳақидаги методик қисмдан ҳамда *Bombux mori* ипак қурти ғумбагидан олинадиган хитозанининг сувда эрийдиган ҳосиласи - хитозан сульфати (СХЗ) хоссалари ва уларни олиш усуллари тавсифланган. *Bombux mori* хитозанини сульфатлашнинг танланган усуллари ва бу реакцияни амалга ошириш учун қўлланилган реагентлар (натрий гидроксид, сульфат кислота, олеум, хлорсульфон кислотаси, диметилсульфоксид, натрий ацетат, этил спирти) келтирилган.

Хитозан ва хитозан сульфатни идентификация қилишда қўлланиладиган асосий тадқиқот усуллари (рентгенструктуравий таҳлил, ИҚ-, УБ-спектроскопияси, элемент таҳлили, кондуктометрик титрлаш ва б.) ва эритмалардаги намуналарнинг молекуляр ва структуравий хусусиятларини

тадқиқ қилиш (вискозиметрик, кондуктометрик, босқичли фракциялаш, поляризацион микроскопик ва бошқа методлар) тавсифланган. Физик - кимёвий ва тиббий-биологик тадқиқотларни ўтказишнинг стандарт усуллари ва уларга оид ҳаволалар берилган ва тажриба натижаларини муҳокама қилишдаги ноанъанавий ёндашувлар тадқиқот натижалари қисмида муҳокама қилинган.

Диссертациянинг "***Bombyx mori* хитозан сульфати синтези ва молекуляр тавсифлари**" деб номланган учинчи бобида *Bombyx mori* хитозан сульфатини синтез қилишнинг мақбул шароитларини ва кинетик қонуниятларини аниқлашга йўналтирилган синтез натижалари муҳокама қилинган. Шунингдек, синтез қилинган хитозан сульфатнинг барқарорлиги ва молекуляр массавий хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида олинган натижалар келтирилган.


Сульфатлаш учун қўлланиладиган хитозан элементар бўғинларидаги (звенолари) С-2 (NH<sub>2</sub>- гуруҳлари) ва С-6 (СН<sub>2</sub>ОН -гуруҳлари) сульфогуруҳларга (SO<sub>3</sub>H) алмашилиш имконини берадиган ҳолатда бўлиши зарур. Шунинг учун, хитозан сульфатланиш вақтида сульфатланган хитин звено бўғинларилари ҳосил бўлмаслиги учун хитозаннинг деацетилланиш даражаси (ДАД  $\geq 0,75$ ) юқори бўлиши, шунингдек, молекуляр массанинг 30000 дан ортиқ бўлиши талаб этилади, чунки ушбу реакцияда занжирнинг деструкцияси содир бўлганлиги боис, олинган хитозан сульфатнинг молекуляр массаси 1,5÷5 марта камаяди. Мазкур талабларни инобатга олган ҳолда, хитозан намуналари *Bombyx mori* ипак курти ғумбаги хитинини 40 % NaOH эритмасида 120°C да 2 соат давомида, шунингдек, нисбатан қаттиқ шароитларда 50% NaOH эритмасида 3 соат давомида 120°C да деацетиллаш орқали олинди.

Хитозан намуналарини олинганлиги ИҚ-спектроскопияси маълумотлари билан тасдиқланди. 3200-3500 см<sup>-1</sup> соҳада гидроксил -ОН гуруҳининг тебранишларига мос келадиган ютилишлар, 2900 см<sup>-1</sup> соҳада алифатик метилен гуруҳларига хос ютилишлар, шунингдек 1680 см<sup>-1</sup> соҳада амид-I учун хос ютилишлар аниқланди ва деформацион тебранишлар асосан 1395, 1170, 1040, 868 см<sup>-1</sup> соҳаларда намоён бўлиши кузатилди. Элемент анализи, кондуктометрик титрлаш ва вискозиметрия тадқиқотлари шуни кўрсатадики, биринчи ҳолда, хитозан ҳосил бўлиш унуми  $Y \approx 60\%$  ва деацетилланиш даражаси ДАД=76%, 2% СН<sub>3</sub>COOH эритмасида эрувчанлиги  $P=95\%$  ни ташкил қилди, шунингдек полиэлектрولитик эффектнинг олдини олишда 2% СН<sub>3</sub>COONa эритмаси 25°C ҳарорат таъсирида қўлланилганида характеристик қовушқоқлик  $[\eta]_{хз} \approx 5,08$  дл/г га тенг эканлиги аниқланди. Марк-Кун-Хаувинк тенгламаси  $[\eta]_{хз} \approx 1,41 \cdot 10^{-4} M_{\eta}^{0,83}$  асосида ҳисобланган молекуляр массаси  $M_{\eta} \approx 309000$  га тенглиги келтирилди. Иккинчи ҳолатда, хитозан намунасининг ҳосил бўлиш унуми  $Y \approx 49\%$ , ДАД=91%, эрувчанлиги  $P=98\%$ , ни ташкил этиб характеристик қовушқоқлиги  $[\eta]_{хз} \approx 2,05$  дл/г ва  $M_{\eta} \approx 104000$  билан тавсифланди.  $Y$  (унум), ДАД,  $P$  қийматларнинг қиёсий ўсишида  $[\eta]_{хз}$  ва  $M_{\eta}$

нинг кескиш камайиши кузатилади. Бундай занжир деструкциясининг сабаби, ишқор концентрациясининг ортиши (>40%) ва хитин деацетилланиш реакцияси давомийлигининг (1 соатга) ортиши билан боғлиқ бўлади.

ДАД≈76% ва  $M_n \approx 309000$  бўлган ХЗ намуналари краб асосида олинган хитозан учун ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида *Bombyx mori* хитозанини сульфатлашнинг асосий имкониятларини тадқиқ қилиш учун қўлланилди. СДА≈91% ва  $M_n \approx 104000$  бўлган намуна асосида *Bombyx mori* хитозанини сульфатлашнинг кинетик қонуниятлари ўрганилди.

*Bombyx mori* ( $M_n \approx 104000$ ) хитозанини сульфатлаш шароитларини танлаш краб хитозанини сульфатлаш принципларига асосан хитозанни фаоллаштирувчи реагент сифатида диметилсульфоксид (ДМСО) ва сульфатловчи реагент сифатида хлорсульфон кислотаси (ХСК) ёрдамида дастлабки компонентлар ХЗ:ХСК=1:6 модулида, ҳарорат 50°C интервалида ва реакция вақти 180 минут бўлган шароитда амалга оширилди. Бундай реакция шароитларида хитозан элементар бўғинларининг С-2 ( $\text{NH}_2$ -гуруҳлари) ва С<sub>6</sub>-(ОН) гуруҳларининг сульфатланишига эришилди:




Таклиф қилинаётган реакция механизмида С-2, С-3, С-6 функционал гуруҳларининг реакция фаоллиги қуйидаги кетма-кетликда ортади:  $-\text{NH}_2 < -\text{CH}_2-\text{OH} < -\text{C}_6\text{OH}$ . Ушбу схема бўйича *Bombyx mori* хитозан сульфати намуналарини ҳосил бўлишини тасдиқловчи тўғридан-тўғри далиллар ва таклиф қилинган реакция механизми қиёсий тадқиқотлар натижасида олинган.

Хитозан сульфати аморф полимер бўлиб, уни *Bombyx mori* хом ашёсидан олиш, кристалл тузилишини бузиш ва хитинни деацетиллаш орқали олинган хитозанни сульфатлаш йўли билан босқичма -босқич амалга оширилади (1-расм, 1-жадвал). Рентгеноструктуравий тадқиқотларининг таққосланган натижалари шуни кўрсатдики, хитин, хитозан, хитозан сульфат СХЗ-1 (50°C да) ва СХЗ-3 (80°C да) намуналарининг дифрактограммасининг 2θ бурчакларнинг кенг оралиғидаги характеристик текисликлараро масофада (d) турли хил интенсивлик даражасидаги рефлекслар мавжуд.

#### 1-жадвал

*Bombyx mori* хитини, хитозани ва хитозан сульфатининг рентгенографик тавсифлари

Рефлекс рақами	d, Å			
	Хитин	Хитозан	СХЗ-1	СХЗ-3
1	9,19	4,91	4,46	4,29
2	6,79	4,50	3,17	3,18
3	6,39	3,39	2,91	2,75



**1-расм. *Bombyx mori* хитини (а), хитозани (b), сульфат хитозани**

Хитин (а), хитозан (b) ва СХЗ-1 (с) дифрактограммаларидаги  $2\theta \approx 20^\circ$  соҳасида якқол рефлекслар ушбу намуналарнинг кристалл хуудлари борлигидан далолат беради, жумладан  $80^\circ\text{C}$  ҳароратда олинган СХЗ-3 (е) намуна рентгенограммаларда ушбу рефлекснинг йўқолиши содир бўлган. Бу ҳароратнинг ортиши ва сульфогуруҳларнинг алмашилиш даражасининг ошиши, шунингдек, СХЗ-3 нинг аморф тузилишига ўтиши билан хитозаннинг кристалл тузилишининг юқори даражада бузилишидан далолат беради. Шундай қилиб,

сульфатланиш реакцияси учун реакция шароитларини танлаш билан сульфат хитозаннинг алмашилиш даражасини ошириш мумкин.


Хитозан сульфати намунасининг ИҚ-спектрида  $1200\text{--}1090\text{ см}^{-1}$  гача бўлган соҳада ( $\text{R-SO}_3\text{H}$ ) сульфон гуруҳларига хос ютилишлар ва  $1240\text{ см}^{-1}$  соҳада  $\text{S=O}$  гуруҳларининг ассиметрик валент тебранишлари билан боғлиқ бўлган ютилиш максимумлари кузатилди (2-расм).  $790\text{ см}^{-1}$  соҳадаги ютилиш максимумлари сульфат гуруҳларининг ( $\text{C-O-C}$  боғлари) валент тебранишларидан далолат беради. Бундан ташқари, гидроксил  $\text{OH-}$  гуруҳининг валент тебранишларига мос келадиган ютилишларнинг  $3200\text{--}3500\text{ см}^{-1}$  соҳада, хитозаннинг алифатик метилен гуруҳларига хос ютилишларнинг  $2900\text{ см}^{-1}$  ютилиш диапазонида ўзгариши ва интенсивлигининг пасайиши кузатилди.

Хитозаннинг амид-I гуруҳлари учун хос бўлган  $1680\text{ см}^{-1}$  соҳадаги ютилишларининг СХЗ учун нисбатан қисқа тўлқинли ютилиш соҳасига  $1620\text{ см}^{-1}$  силжиши, элементар бўғиндаги (звенодаги) C-2 амин гуруҳларининг сульфатланишини изоҳлайди. Бундан ташқари, сульфатлашдан кейин  $1395, 1170, 1040, 868\text{ см}^{-1}$  ютилиш соҳаларининг мос равишда  $1380, 1160, 1050\text{ см}^{-1}, 864\text{ см}^{-1}$  ютилиш диапазонларига силжиши кузатилди. Ютилиш тўлқинларидаги бундай силжишлар хитозан сульфат занжирининг элементар бўғинидаги C-3 ( $\text{OH-}$  гуруҳлари) ва C-6 ( $\text{CH}_2\text{OH}$ ) гуруҳларида сульфо гуруҳларининг алмашилишини тасдиқлайди.


Синтез қилинган хитозан сульфат намунасини дастлабки хитозан намунасидан фарқлашга имкон берадиган энг муҳим катталиклардан бири унинг вискозиметрия усулида аниқланган характеристик қовушқоқлиги  $[\eta]$  қиймати ёрдамида аниқланган молекуляр массаси ҳисобланади. СХЗ-1 намунасининг қовушқоқлиги  $[\eta]_{\text{СХЗ}} \approx 0,31$  дл/г қийматига тенглиги аниқланди, хитозан намунаси  $[\eta]_{\text{ХЗ}} \approx 2,05$  дл/гга тенг бўлган қовушқоқлик қиймати билан тавсифланди.

Бу ҳолда, СХЗ-1 нинг молекуляр массасининг қиймати  $M_n \approx 85000$  га тенг бўлиб, бошланғич хитозаннинг молекуляр массаси қийматидан ( $M_n \approx 104000$ ) 1,22 баробар кам эканлиги аниқланди.  $M_n$  нинг камайиши хитозан

молекулаларининг хитозан сульфат молекулаларига айланиш жараёнида хитозан молекулаларининг сезиларли даражада деструкцияга учрашни кўрсатади. Бу маълумотлар краб асосида олинган хитозан ҳақидаги адабиёт маълумотларига мувофиқ келади.



2-расм. Хитозан (1) ва сульфатланган хитозан (2) нинг ИҚ-спектрлари



3-расм. 1-ХЗ; 2-СХЗ-1; 3-СХЗ-2; 4-СХЗ-3 намуналари эритмаларининг кондуктометрик титрлаш натижалари

Хитозандаги сульфо гуруҳларининг алмашинуви маълум даражада реакция шароитига боғлиқ. Буни таҳлил қилиш учун ҳар-хил ҳарорат ва реакция давомийлигида олинган хитозан сульфат намуналарини (СХЗ-1, СХЗ-2, СХЗ-3) кондуктометрик титрлашлари ўтказилди. Эритмалар 0,1 н НСІ эритувчиси иштирокида тайёрланди, титрант сифатида 0,5 Н NaOH дан фойдаланилди.

3-расмдаги қиёсий маълумотлардан кўриниб турибдики, титрлаш эгри чизиқлари синиқ қисмлар билан тавсифланади ва сульфатланган намуналар учун хос бўлган 2-, 3-, 4- эгри чизиқлар, хитозан (эритмаси) учун хос кондуктометрик 1-эгри билан солиштирилганида  $G_{sm}$  кўрсаткичининг қийматларининг катта қийматли соҳага силжиши кузатилди.

Хитозан ва хитозан сульфатнинг титрлаш эгри чизиқларини таққослаш шуни кўрсатадики, сульфогуруҳларининг титрланиши АВ сегментда содир бўлади ва  $\Delta V_S \approx |V_A - V_B|$  титрант ҳажмларининг фарқига мос келади, амина гуруҳларнинг титрланиши эса ВС кесимида  $\Delta V_N \approx |V_C - V_B|$  фарқига мувофиқ келади. Бу усул, шунингдек, хитозаннинг элементар бўғиндаги  $-NH_2$  гуруҳлари асосида деацетилланиш даражасини аниқлашда ҳам қўлланилди (2-жадвал).

Кўриниб турибдики, ҳароратнинг  $80^\circ\text{C}$  гача кўтарилиши (СХЗ-3 намунаси учун) олтингугурт микдорининг, хитозан сульфат таркибидаги сульфогуруҳлари алмашиниш даражасининг, шунингдек эрувчанликнинг (Р) ортишига олиб келган. СХЗ-2 намунаси учун сульфатланиш вақтининг (45 минут) қисқариши, ҳароратнинг СХЗ-1 ( $50^\circ\text{C}$ ) намунаси синтез ҳароратига нисбатан сезиларли даражада юқори ( $60^\circ\text{C}$ ) бўлишига қарамай,  $S_s$  ва Р кўрсаткичларининг пасайишига олиб келганлиги аниқланди.

***Bombux mori* хитозани сульфатланиш реакцияси катталикларининг сульфат хитозаннинг элементар таркибига таъсири**

Намуна	Реакция шароити		N, %	S, %	$\gamma_s$	O <sub>s</sub>	N <sub>s</sub>	O <sub>s</sub> /N <sub>s</sub>	P, %
	T, °C	t, дақиқа							
X3	120	120	7,36	-	-	-	-	-	95*
CX3-1	50	60	4,39	9,76	0,68	7,16	6,26	1,14	80
CX3-2	60	45	4,08	9,55	0,66	7,21	6,31	1,14	75
CX3-3	80	60	4,30	11,91	0,90	6,63	5,80	1,14	95

\*CH<sub>3</sub>COOH нинг 2 %-ли эритмасида

-SO<sub>3</sub>H сульфо гуруҳлари гидроксил ва амино гуруҳларига алмашиниш даражасининг тақсимланишини баҳолаш, олинган CX3 нинг барча намуналари учун -OH гуруҳларига алмашиниш қийматининг амин гуруҳларига алмашиниш даражасига нисбатан 1,14 барабар юқори эканлигини кўрсатди. Бу хитозан сульфатланиши нафақат NH<sub>2</sub>-гуруҳларида, балки C<sub>6</sub>-даги -OH гуруҳларида ҳам амалга ошади деган қарашларни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, олинган натижалар *Bombux mori* хитозани молекулалари сульфатланиш реакциясининг мураккаб механизмини кўрсатади, улар маълум даражада ҳарорат ва реакция вақтини ўзгартириш билан бошқарилиши мумкин.

*Bombux mori* хитозанини хитозан сульфатга кимёвий ўзгартиришнинг кинетик қонуниятларини ўрганиш, реакция давомийлиги ва ҳароратини, шунингдек сульфат кислота, олеум ва хлорсульфон кислотанинг сульфатловчи агент сифатида хитозанга нисбатини ўзгартириш орқали амалга оширилди. Сульфатловчи агент сифатида хитозан сульфат олиш учун сульфат кислота ва олеум, шунингдек хлорсульфон кислоталаридан фойдаланилди. Шу билан бирга, хитозан сульфатнинг ҳосил бўлиш реакцияси тезлиги ( $v$ ) қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$v = \Delta C / t V (l)$$


бу ерда,  $\Delta C$  – хитозан сульфати ҳосил бўлиши реакциясида сульфатловчи агент концентрациясининг ўзгариши;  $V$  – реакция аралашма ҳажми.

Сульфатловчи агент сифатида хлорсульфон кислотаси (ХСК) ҳам қўлланилган. Тадқиқотларда сульфатлаш реакциясининг дастлабки компонентлар хитозан: НОSO<sub>2</sub>Cl (ХСК) 1:2 дан 1:10 гача нисбатларига боғлиқлигини ўрганиш вазифаси белгиланди. Хитозан сульфат ҳосил бўлиш реакцияси 20<sup>0</sup>С да ва 3 соат давомида амалга оширилди. Энг юқори алмашиниш даражаси компонентлар хитозан: ХСК нисбати 1:6 бўлган реакция шароитида аниқланди. Хитозан сульфат ҳосил бўлиш реакциясининг кинетикаси дастлабки компонентларнинг 1:6 нисбатида 20<sup>0</sup>С хона ҳароратида олиб борилди. Хитозан сульфат ҳосил бўлиш реакциясининг

мақбул давомийлиги 3 соат эканлиги аниқланди. Реакция тезлигини аниқлаш натижалари шуни кўрсатадики, синтез вақтининг ошиши билан ХСК нинг реакцияга киришмаган молекулалари миқдорининг камайиши билан боғлиқ бўлган реакция тезлигининг  $8,46 \times 10^{-4}$  дан  $1,79 \times 10^{-4}$  моль/л.с. гача пасайиши кузатилди.

Хитозан сульфат ҳосил бўлиш реакциясининг синтез ҳароратига боғлиқлиги ўрганилди. СХЗ синтези 3 соат вақт интервалида  $20-70^{\circ}\text{C}$  ҳарорат таъсирида ХСК иштирокида, компонентлар хитозан: ХСК нисбати 1:6 бўлган шароитда амалга оширилди. Реакция ҳароратининг  $50^{\circ}\text{C}$  дан ортиши билан сульфо гуруҳининг алмашилиш даражаси ва олтингугурт миқдори камаяди. Бу юқори ҳарорат таъсирида тескари реакция тезлигининг ошиши билан изоҳланиши мумкин.  $50^{\circ}\text{C}$  реакция ҳароратида алмашилиш даражасининг ва олтингугурт миқдорининг юқори бўлиши аниқланди.

Хитозан сульфат намуналарида сульфон ( $\text{R-SO}_3\text{H}$ ) гуруҳи ва  $863-1150 \text{ см}^{-1}$  соҳада сульфат ( $\text{S=O}$ ) гуруҳларининг валент тебранишлари мавжудлигини кўрсатувчи тавсифий ютилиш чизиқлари кузатилди. Хитозан сульфат ҳосил бўлишида ХСК сульфатловчи агент иштирокида  $863, 1015, 1149 \text{ см}^{-1}$  соҳаларда сульфат гуруҳларининг ( $\text{C-O-S}$  боғлари) валент тебранишларини тавсифловчи ютилиш максимумлари аниқланди. Хитозаннинг амид-II гуруҳлари учун хос бўлган ютилишларнинг  $1580 \text{ см}^{-1}$  дан  $1520 \text{ см}^{-1}$  гача тўлқин узунлиги кичикроқ соҳага силжиши кузатилди, бу хитозан элементар бўғинидаги С-2 амин гуруҳлари иштирокида сульфатланиш содир бўлишини тасдиқлайди. Олеум ва сульфат кислота сульфатловчи агентлари иштирокида олинган хитозан сульфати спектрларида, дастлабки хитозан амино гуруҳларига хос ютилиш чизиқларнинг диапазонларининг силжиши кузатилди, шунингдек олинган спектрларда сульфатловчи агент ХСК асосида олинган хитозан сульфати билан солиштирганда, бошқа ютилишлар интенсивлигининг пасайиши кузатилади.



4-расм. Хитозан (1) ва сульфатланган хитозаннинг ИҚ спектрлари: олеум билан (2), сульфат кислотаси билан (3), хлорсульфон кислотаси билан (4)

Ютилишлар ва интенсивликнинг бундай силжиши ва ўзгариши хитозан сульфатланиш реакцияси содир бўлишидан далолат беради. Ютилиш соҳалари интенсивлигининг 863, 1015, 1149  $\text{см}^{-1}$  соҳасида эканлиги, ХСК сульфатловчи агенти таъсирида янада интенсив алмашилиш содир бўлишини тасдиқлайди (4-расм).

Шундай қилиб, хитозан ва хлорсульфон кислотаси асосида компонентлар нисбати 1:6 бўлганида хитозан сульфат ҳосил бўлиш реакциясининг тезлиги, ҳарорат ва синтез давомийлигининг таъсири ҳам ўрганилди. Хитозан сульфатнинг ҳосил бўлишида дастлабки компонентлар-хитозан:ХСК нисбати 1:6, реакция давомийлиги 3 соат ва ҳарорат  $50^{\circ}\text{C}$  бўлиши мақбул шароит эканлиги аниқланди. Натижада, дастлабки хитозаннинг маълум қисми моно-, ди- сульфополисахаридларга ўтиши аниқланди.

Моделлаштириш принциплари асосида хитозан сульфат ҳосил бўлиш тажриба натижаларига асосланиб, *Bombyx mori* хитозани сульфатланиш кинетикаси бўйича кимёвий реакциясининг назарий ҳисоблашлари амалга оширилди.

Хитозан элементар бўғинларида сульфогуруҳининг алмашилиши занжирнинг кимёвий потенциалининг ўзгаришига, биологик фаолликнинг ошишига, турли моддалар билан, айниқса сув билан ўзаро таъсирлашишига ва эрувчанлиги ортишига олиб келади. Натижалар шундан далолат берадики, эрувчанлик ( $P$ ) чизикли бўлмаган ҳолда  $\gamma_s \leq 0,85$  га қадар ошиб боради, кейинчалик  $\gamma_s > 0,85$  бўлганида намуналар юқори эрувчанлик даражаси  $P > 95\%$  билан тавсифланади. Бу, албатта, хитозан сульфат молекулаларининг барқарорлигида намоён бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда, барқарорлик кўрсаткичи сульфат хитозан (7900-35900) намуналарининг суюлтирилган эритмалари (Дебай критерияси  $C[\eta] \leq 0,5$ ) учун турли алмашилиш даражалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилди. Нисбий қовушқоқлик қиймати бўйича ( $\eta_{\text{нис}}$ ), хитозан сульфат молекулаларининг барқарорлиги 1 ой давомида кузатилди. Дастлабки хитозан сульфати намуналари эритмаларининг нисбий қовушқоқлиги нисбатан фарқ қилиши аниқланди,  $\gamma_s$  нинг ортиши билан нисбий қовушқоқлик  $\eta_{\text{нис}}$  ошиши кузатилди. Эритмалар хона шароитида сақланар экан,  $\eta_{\text{нис}}$  нинг қиймати деярли ўзгармайди, яъни хитозан сульфати намуналари молекулаларининг эритмадаги ҳолати билан боғлиқ сезиларли ўзгаришлар аниқланмади. Олинган натижалар турли алмашилиш даражасидаги хитозан сульфати молекулаларининг сувли эритмаларда барқарорлигини кўрсатди.


Хитозан сульфатнинг таркибини таҳлил қилиш учун унинг ( $C=1\%$ ) ли сувли эритмасини ацетон ёрдамида чўктириш усулидан фойдаланилган ҳолда фракциялаш амалга оширилди. Ушбу тадқиқот натижасида, 9 та фракция олинди, уларнинг характеристикалари, хусусан, массаси ( $m_i$ ), массавий улуши ( $f_i$ ), шунингдек, кумулятив массавий улушлари ( $W'(M_i)$ ) қуйидаги ҳисоблаш формуласи ёрдамида аниқланди.

$$W'(M_i) \approx 0,5f_i + \sum f_i - f_{i-1} \quad (2)$$


Фракцияларнинг молекуляр массалари қийматлари тавсифий қовушқоқлик қийматларидан аниқланди. Кўришиб турибдики, фракция чўктиришлар сони ортиши билан (яъни  $i$  – фракциялар сони), массавий улуш ва молекуляр массанинг камайиш тенденцияси кузатилади.

Молекуляр масса диапазони кичик бўлишига қарамай (7900-35900), хитозан сульфати маълум молекуляр массавий тақсимооти билан ажралиб туради. 5- расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, дифференциал эгри чизикдаги қуйи молекуляр массалар ( $M_n$ ) қийматларига мос келадиган ҳудуд нисбатан катта. Бу, хитозаннинг сульфатланиши занжирларнинг сезиларли даражада деструкцияга учрашига олиб келишидан далолат беради, яъни, хитозан сульфатнинг қуйи молекуляр оғирликдаги кўплаб фракциялари ҳосил бўлади.

Олинган натижаларга асосланиб, хитозан сульфати полидисперслиги аниқланди ва бу қиймат  $M_w/M_n \approx 1.25$  ни ташкил этди.  $M_w/M_n$  нинг бу қиймати ўрганилган хитозан сульфати намунасининг тор полидисперстиклик билан ажралиб турадиган полимерлар тоифасига киритиш имконини беради.



5-расм. *Bombyx mori* хитозан сульфати нинг молекуляр массавий тақсимланиши интеграл (1) ва дифференциал (2) эгри чизиклари



6-расм. Сульфат намуналари эритмаларида  $(M^2/[\eta])^{1/3}$  қийматининг  $M^{0.5}$  нинг хитозан боғлиқлиги

"Занжирсимон" занжирлар модели бўйича илгариланма ва айланма ҳаракатланиш назариясига кўра қуйидагича ифода бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилди:

$$(M^2/[\eta])^{1/3} \approx \Phi^{-1/3} (M_o / \lambda_s A)^{0.5} M^{0.5} + M_o / \lambda_s (k/3\pi A_o 100^{1/3}) (\lg(A/d) - 1,056) \quad (3)$$

Бу ерда,  $\Phi \approx 2,21 * 10^{23}$  – гидродинамик константа;  $M_o \approx 401$ ,  $\lambda_s \approx 0,51$  нм ва  $d \approx 1$  нм, мос равишда элементар бўғин массаси, узунлиги ва диаметри;  $A_o \approx 3,7 * 10^{-10}$  эргград-1моль-1/3-гидродинамик инвариант;  $k$ - константа.  $(M^2/[\eta])^{1/3}$  нинг  $M^{0.5}$  га боғлиқлик графиги ифодаланди (6- расм).

Графикдан эгри чизикнинг йўналган бурчак қиймати  $\Phi^{-1/3} (M_o / \lambda_s A)^{0.5} \approx 1,83$  ва *Bombyx mori* хитозан сульфати учун занжир сегментининг узунлиги  $A \approx 15$  нм га тенглиги аниқланди. Олинган  $A$  қиймати мазкур синф

полисахаридлари учун хосдир. Хитозан сульфатининг ўрганилган фракциялари занжирларининг контур узунлиги  $(M_i/M_o)\lambda_s \approx L$  10 дан 50 нм гача бўлгани учун, улар  $N \approx L/A$  сегментларининг сони 1 дан 4 гача эканлиги тасдиқланди. Таъкидлаш жоизки, дастлабки *Bombyx mori* хитозанининг Кун сегменти узунлиги 20 дан 25 нм гача ва занжирнинг сегментлари сони 4 дан 17 гача ўзгариб туриши аниқланган. Ушбу ҳолатни хитозан сульфати Кун сегменти қийматининг камайиши сульфогуруҳларининг элементар бўғинларда алмашилиши натижасида занжир қаттиқлигининг камайиши билан, сегментлар сонининг камайиши эса хитозан сульфатлиниши жараёнида занжирнинг деструкцияга учраши билан изоҳланиши мумкин.

Тўртинчи бобда *Bombyx mori* хитозан сульфати намуналарининг тузилишини, ўзига хос физик-кимёвий ва тиббий-биологик хусусиятларининг намоён бўлишини тадқиқ қилиш натижалари муҳокама қилинди. Хитозан сульфат намуналари атеросклероз фармакотерапиясида гипополидемик восита сифатидаги самарадорлиги, антикоагулянтлик хусусиятлари, иммунологик фаоллиги, токсиклигини баҳолашга оид тадқиқотлар натижалари келтирилган.

*Bombyx mori* хитозан сульфатнинг атеросклерозда антикоагулянтлик хусусиятини, шунингдек, хитозан сульфати асосида олинган дори воситаларининг иммунологик хусусиятлари ва токсиклигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва синовдан ўтказилди.

Ушбу дори воситалар гемостазга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, клиникада антикоагулянт сифатида кенг қўлланиладиган гепарин, фибратларга мансуб бўлган ва гиперхолестеринемия ва атеросклерозни даволашда клиник амалиётда қўлланиладиган гипополидемик дори гемфибразилдан фойдаланилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, хитозан сульфатнинг (№1) ва асосан хитозан сульфат №2 намуналари экспериментал атеросклерозга учраган ҳайвонларга 30 кун мобайнида қўлланилганида тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичларининг сезиларли пасайиши кузатилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Экспериментал атеросклерозли куёнларнинг тромбоцитлари кўрсаткичларига хитозан сульфат намуналарининг таъсири ( $M \pm m$ , $n=6$ )

Кўрсаткичлар	Интакт	Назорат	Гепарин	СХЗ-№1	СХЗ-№2
Тромбоцитлар агрегацияси, %	36,33±1,96	61,67±0,71*	30,0±0,58 <sup>а,б</sup>	31,33±2,74 <sup>а,б</sup>	24,0±1,15 <sup>а,б</sup>
Тромбоцитлар вақт, с	13,83±0,17	15,33±0,67*	14,0±0,0	14,0±0,0	14,0±0,0
РФМК, мг%	3,62±0,14	4,83±0,25*	3,0±0,09 <sup>а,б</sup>	3,6±0,93 <sup>а,б</sup>	3,5±0,06 <sup>а,б</sup>

Изоҳ: \* $p < 0,05$  интакт гуруҳга нисбатан, \*\* $p < 0,05$  назорат гуруҳига нисбатан, \*\*\* $p < 0,05$  гепаринли гуруҳга нисбатан, \*\*\*\* $p < 0,05$  хитозан-1 мавжуд бўлган гуруҳга нисбатан

Қўлланилган дори воситалари антикоагулянт хусусиятларга эга эди. №1 хитозан сульфатнинг (СХЗ) 1 ой давомида қўлланилиши тромбоцитлар агрегацияси қийматларини 1,96 марта ( $P < 0,001$ ), тромбин вақтини 1,1 у

баробарига ва РМФК қийматини 1,34 баробарга ( $P < 0,05$ ) пасайишига олиб келди. Антикоагулянтлик хусусиятларига кўра, №1 СХЗ препарати хоссалари жиҳатидан гепариндан ортда қолмайди, №2 СХЗ препарати эса уларнинг ундан устунлик намоён қилади. Дори воситаларининг бу хусусиятлари гиполепидемик хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Экспериментал гиперхолестеинемияда ушбу дори воситаларнинг эрувчан фибрин-мономерли комплексларга (ЭФМК) таъсирини ўрганиш СХЗ-1 ва СХЗ-2 препаратларини қўллашда тромбоцитлар вақтининг камайиши 8,68 % ни ташкил қилишини кўрсатди.

Хитозан сульфат препаратларининг иммунологик кўрсаткичларга самарадорлиги текширилди: №1 СХЗ – хитозан сульфат эритмаси - 500 МЕ/кг (0,6 г СХЗ/100 мл  $H_2O$ ); № 2 СХЗ - хитозан сульфат эритмаси - 1000 МЕ/кг (0,6 г СХЗ/100 мл  $H_2O$ ). Иммунологик кўрсаткичлар бўйича, иммунитетнинг марказий ва периферик органлари ҳолатида (4-жадвал), хусусан, назорат гуруҳи сичқонларининг талоқларида ўртача  $1685,0 \pm 211,0$  антитела ҳосил қилувчи хужайралар (АХҚХ) вужудга келди. №1 СХЗ препарати қўлланилган хайвонларда, қўйларнинг эритроцитларида иммун жавоб 1,91 марта ошиши кузатилди. (талокдаги АХҚХ нинг миқдори  $3225,0 \pm 364,8$  га тенг), №2 СХЗ препарати қўлланилганида – 1,96 марта ошади (талоклардаги АХҚХ нинг миқдори  $3300,0 \pm 274,4$  га тенг). Тадқиқ қилинган препаратлар етарлича иммуностимуляторлик фаолликни намоён қилди.

4-жадвал

Сичқонлардаги ( $M \pm m$ ), ( $n=8$ ) қўй эритроцитлари иммун жавобига хитозан сульфатнинг таъсири ( $M \pm m$ ), ( $n=8$ )

Гуруҳ	Модда дозаси (мл)	ТЯЭХ $\times 10^6$ миқдори	НН	Антитела ҳосил қилувчи хужайралар сони			
				Талок бўйлаб	НН	Талокнинг $10^6$ хужайраси	НН
Назорат	-	$85,6 \pm 9,2$	-	$1685,0 \pm 211,0$	-	$22,5 \pm 4,8$	-
№1- СХЗ	0,5	$108,8 \pm 14,5$	+1,27	$3225,0 \pm 364,8^*$	+1,91	$32,5 \pm 4,9$	+1,44
№2- СХЗ	0,5	$86,3 \pm 13,5$	+1,0	$3300,0 \pm 273,4^*$	+1,96	$46,9 \pm 8,7^*$	+2,08

Изоҳ: ТЯЭХ – Талокнинг ядрога эга хужайралари, НН – назоратга нисбатан солиштириш индекси, \* - 1 г тенг.

«Сульфопарин» дори воситасининг ўткир токсиклиги. "Сульфопарин" дори воситасининг ўртача ўлим меъёри ( $LD_{50}$ )  $2150 (2425,4 + 1874,6)$  мг/кг ни ташкил қилади. Шунинг учун, дори воситаларининг токсиклик даражаси таснифига кўра, «Сульфопарин» дори воситаси кам токсик моддалар синфига мансубдир (IV синф). Ўтказилган тадқиқотлар бир марталик хитозан сульфати препарати «Сульфопарин» дори воситаси қорин бўшлиғи ва оғиз орқали юборилганида, кам токсиклик намоён этишини тасдиқлади.

## ХУЛОСА

«*Bombyx mori* сульфатланган хитозанининг синтези, структураси ва хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. C2-N-, C6-O- хитозан сульфатини синтез қилиш имконияти кўрсатилди. Изопропил спирти ва сульфат кислота сульфатловчи агенти иштирокида асосан C6-O- хитозан сульфати ҳосилалари (алмашилиш даражаси 0,22 дан 1,00 гача), диметилсульфоксид, олеум ва хлорсульфон кислотаси (ХСК) муҳитида эса C2-N-, C6-O- диалмашилган хитозан ҳосилалари (алмашилиш даражаси 0,52 дан 1,38 гача) шаклланади, бунда компонентларнинг нисбати  $X3:ХСК \approx 1:6$ , синтез ҳарорати  $50^{\circ}\text{C}$  бўлиб, давомийлиги 3 соатни ташкил этади.

2. Алмашилиш жараёнида хитозаннинг C-2-N-, C-6-O- гуруҳлари кристалланиш даражасининг (40% дан 18% гача) пасайиши аниқланди ва молекуляр массасининг максимал даражада камайиши (104000 дан 15000 гача) кўрсатилди.

3. *Bombyx mori* хитозан сульфати намуналарининг молекуляр массавий ва конформацион хусусиятлари аниқланди. Хитозан сульфатининг полидисперслиги нисбатан кичик қийматга  $M_w/M_n \approx 1,25$  эга бўлиб, бу занжир сегментларининг узунлиги 15 нм ва сегментлар сони  $N \approx 1 \div 4$  (молекуляр массаси 35900 дан 7900 гача) бўлган қаттиқ занжирли полимерлар учун хос эканлигидан далолат беради.

4. *Bombyx mori* хитозан сульфатида гидрофил сульфогуруҳларнинг мавжудлиги ва унинг аморф тузилишда бўлиши сув буғларининг юқори сорбцион фаоллигини ва эрувчанлигини таъминлаши кўрсатилди. Ёруғликнинг динамик тарқалиши усули билан  $X3:ХСК$  нисбатининг (1:2 дан 1:10 гача) ортиши билан зарралар ўлчамининг 57-135 нм оралиғида катталаниши аниқланди. Сульфат хитозан эритмасини 5 ой давомида сақлаш натижасида заррачаларнинг ўлчами 67-90 нм оралиғида сақланади, бу эса хитозан сульфат эритмаларининг барқарорлиги ва турғунлигидан далолат беради.

5. Синтез қилинган хитозан сульфати асосида «Сульфопарин» кам захарлилик дори воситаси олинди. Дори воситасининг атеросклероз фармокатерапиясида гиполлипидемик воситалар сифатида қўлланилганда юқори биологик фаоллиги ҳамда гиперхолестеринимияда ва антикоагулянтлик хусусиятлари аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

---

**ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

**РАХМАНОВА ВАЗИРА НОРКУЛОВНА**

**СИНТЕЗ, СТРУКТУРА И СВОЙСТВА СУЛЬФАТИРОВАННОГО  
ХИТОЗАНА *ВОМБУХ МОРИ***

**02.00.06 – Высокмолекулярные соединения**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4.PhD/К340.

Диссертация выполнена в Институте химии и физики полимеров

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Рашидова Сайёра Шарафовна  
доктор химических наук, профессор, академик

**Официальные оппоненты:** Ихтиорова Гулнора Акмаловна  
доктор химических наук, профессор  
Юнусов Хайдар Эргашович  
доктор технических наук,  
старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** Институт биоорганической химии

Защита диссертации состоится «26» ноября 2021 г. в 14.00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019 К/ФМ/Т.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7<sup>Б</sup>. Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № 26. (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7<sup>Б</sup>. Тел. (99871) 241-85-94)

Автореферат диссертации разослан «12» ноября 2021 года  
(протокол рассылки № 11 от «12» ноября 2021 года).



**Н.Р. Ашуров**  
Заместитель председателя  
Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**М.М. Усманова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.х.н., старший научный сотрудник

**А.А. Сарымсаков**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире растет потребность в лекарственных препаратах на основе природных полимеров и их производных, обладающих водорастворимыми, медико-биологическими (антибактериальными, антикоагулянтными, иммунологическими и др.) свойствами. В связи с этим важна разработка и внедрение препаратов нового поколения с антибактериальными и антикоагулянтными свойствами на основе хитозана и его производных, в том числе сульфата хитозана.

На сегодняшний день в мире активно ведутся фундаментальные научные исследования по синтезу модифицированных производных хитозана путем направленного управления различными факторами с учетом молекулярных и структурных свойств. В этом направлении важным является синтез водорастворимого сульфатированного производных хитозана и изучение его структурных, физико-химических и биологических свойств, а также разработка препаратов на их основе, обладающих антимикробными и иммуноактивными комплексными свойствами.

В Республике особое внимание уделяется разработке и внедрению новых лекарств на основе местного природного сырья, предпринимается широкий комплекс мер по организации научных исследований и развитию отечественной фармацевтической промышленности, с достижением значительных результатов в создании новых полимерных форм лекарств, используемых в медицине. В Стратегии действий<sup>1</sup> по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены задачи по «Концепции развития науки до 2030 года<sup>2</sup>», в частности ставится задача «... увеличения производства фармацевтических препаратов ...». В связи с этим, большое значение приобретают научно-практические исследования, направленные на изучение условий синтеза сульфата хитозана *Bombux mori*, определение его структуры и свойств, а также применение в медицинской практике.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных Указом Президента РУз №УП-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию РУз», ПП РУз №ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по совершенствованию деятельности АН РУз, организации НИР, управление и финансирование» и ПП РУз от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

<sup>2</sup>Указу Президента Республики Узбекистан УП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года»

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике Узбекистан по разделам: VI. «Медицина и фармакология» и VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

